Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 25 октябрь, шанба • № 85 (10.964) • Эркин нархда сотилади

МДҲ: ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

КИШИНЁВ, 23 октябрь. ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади. Бугун Кишинёвдаги республика саройида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди. Унда Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этмоқда. Дастлаб, давлат раҳбарларининг ёпиқ эшиклар ортидаги суҳбати бўлиб ўтди. Унда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги кунда ва истиқболдаги устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди. Давлат раҳбарлари МДҲ доирасида аввал имзоланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг, МДҲ мамлакатлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари — ялпи мажлиси бошланди. Унда МДҲнинг бугунги аҳволи, мамлакатлар ўртасида умумий қишлоқ хўжалик бозорини ташкил этиш тўғрисидаги битим, трансмиллий корпорациялар тўғрисидаги конвенция ҳамда можароли вазиятлар бўйича МДҲ қўмитасининг низоми муҳокама қилинди. Шунингдек, музокараларда ноқонуний миграцияга қарши кураш масаласи ҳамда жиноятчиликка қарши кураш бўйича 2000 йилгача тузилган дастур ҳам кенг муҳокамага қўйилган.

Музокаралар якунида МДҲ мамлакатларидаги арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судлар қарорини биргаликда ижро этиш тартиби тўғрисидаги битим, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг МДҲ ҳудудида юриш тартиби ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома, умумий қишлоқ хўжалик бозорини ташкил этиш тўғрисидаги битим, озодликдан маҳрум қилинганларни ўзаро алмашиш тўғрисидаги конвенция ва қатор бошқа қўшма ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг Кишинёвдаги мажлиси ўз ниҳоясига етди.

(ЎзА).

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ЮҚОРИЧИРЧИҚДА ЗАФАР ШУУРИ

Туман деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар

ҲА, БУГУН Юқоричирчиқда зафар шуури кезмоқда. Туман деҳқонларининг фидокорона меҳнатлари қувончли самарасини берди. Улар 25 иш кунида йиллик пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. Қабул пунктларига 19400 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб берилди. 7160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 27,4 центнерни ташкил этди. Шу кунгача топширилган пахтанинг 9 минг тоннаси машиналарда териб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда андижонликлар усулида 1080 гектар плёнка остига экилган майдонлардан айниқса, салмоқли ҳосил олинди. Бу ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 32 центнердан хирмон кўтарилди.

Ишни янгича ташкил этиш, хўжаликларда бошқарувни такомиллаштириш, пудрат ва пай усулини жорий этиш, энг муҳими одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабатини ўзгартириш муваффақиятнинг асосий омиллари бўлди. Ишни шу тарика ташкил этган Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари шу кунгача режадаги 3298 тонна ўрнига 3600 тонна, «Ғулистон» халқ корпорацияси миришкорлари 4900 тонна, Ийк ота номли хўжалик деҳқонлари 2450 тонна, «Туркистон» жамоа хўжалиги аъзолари 1100 тоннадан ортиқ «Оқ олтин» топшириб бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшдилар.

Жорий йилда туманда ҳар гектар ердан 34—36 центнердан ошириб ҳосил олган бригадаларнинг сафи янада ортди. «Ғулистон» корпорациясининг Шоир Ҳамидов, Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг Убайдулла Колхозов, Мурод Аҳмедов, Ийк ота номли жамоа хўжалигининг Мурод Султонов, Тожиқул Холиқулов сингари пахта усталари саркорлик қилаётган ўнлаб бригадаларда, айниқса, юқори натижаларга эришилди. Бу жамоалар ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан ошириш учун курашмоқдалар.

Ҳали далаларда ҳосил кўп. Зафар маррасини эгаллаган Юқоричирчиқлик пахтакорлар йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Улар даладаги ҳосилни қисқа фурсатда, нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, қўшимча 1000 тоннадан ортиқ ҳом ашё топширишни режалаштирдилар.

(Юқоричирчиқ тумани пахтакорларининг ғалабасига бағишланган мақолаларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

БУ ЕРНИНГ ЎЗ ЧИРОЙИ БОР

СЎНГГИ йилларда Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғи янада фаровонлашиб бормоқда. Қишлоқ ҳудудида кўплаб янги уй-жойлар, хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилди. Айниқса, республика Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан қабул қилган қароридан кейин бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

— Биргина 1997 йилнинг ўтган даврида еттита аҳолига савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари ва умумий овқатланиш шахобчалари фойдаланишга топширилди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Жўраев, — бу ишларни амалга оширишда бизга ҳудудимиздаги хўжаликлар, корхона, ташкилотлар катта ёрдам беришмоқда. Шунингдек, биз тадбиркорлар ва ишбармонларнинг ҳам ўз имкониятларини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз.

Сиз ушбу суратларда кўриб турган «Иззатилла» хусусий фирмасининг «Оталар чойхонаси», сартарошхона ва новвойхонаси ҳам ана шу кенг кўламдаги қурилишларнинг биридир. Бу ерда аҳолининг оғирини енгил қилиш, ҳожатини чиқариш учун намунали хизмат кўрсатилмоқда. Ишга тушгандан буён дастлабки ойнинг ўзидаёқ хусусий корхона 300 минг сўмлик хизмат кўрсатди.

Ф. ФАТТОҲОВ.

Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.

МАҚБУЛ УСУЛ

Дарвоқе, деҳқончиликда энг яхши усуллар, тажрибалар обдон синовдан ўтгач тан олинади ва жорий этиш учун тавсия этилади. Бу жамоа хўжалиги бир неча йилдирки, ўз фаолиятида оилавий пудрат усулига содиқ қолиб, уни афзал кўриб, ишлаб чиқаришда юксак самарадорликни таъминлаб келмоқда.

ХЎЖАЛИКДА бор-йўғи 126 гектар майдонда сабзавот, 221 гектар майдонда буғдой етиштирилади. Ана шу майдонлар ҳақиқий деҳқонлар бошлиқ салкам 700 оилага — пудратчиларга бўлиб берилган. Оз майдондан юқори ҳосил олинаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Биз яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги гапларини диққат билан эшитдик. Юртбошимиз деҳқончиликда оилавий пудрат усулини қўллаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, деб бежиз айтмадилар.

Лекин бу усулнинг самараси ҳар икки томон ўртасида тузиладиган шартноманинг пишиқ-пухта бўлиши ва унга қатъий амал қилинишига боғлиқдир.

Хўжаликда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Шартнома бўйича жамоа хўжалиги ерни экишга тайёрлаб беради, техника ва кўчат, уруғлик билан имконият даражасида таъминлайди. Мавсум давомида бошқарув томонидан тасдиқланган иш ҳисобидан деҳқонларга бўнак пули ажратади. Мутахассислар зарур агротехник тадбирларни ўтказишда маслаҳат бериб борадилар. Хўжалик ҳосилининг ўз вақтида сотилишига кўмаклашади.

Ўз навбатида жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат интизомига, агротехника қоидаларига, бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларга қатъий амал қилиб ишлайдилар.Ортиқча сарф-харажатга йўл қўймайдилар. Хўжалик томонидан етказиб бериладиган техника ва асбоб ускуналарни авайлаб ишлатиб, уни яроқли ҳолда тўлиқ топширади.

Агар режа сабабсиз бажарилмаса пудратчидан унинг қиймати ундириб олинади. Бригада бошлиғи пудратчилар билан бошқарув ўртасида асосий воситачи вазифасини бажаради, шартномаларнинг тўлиқ бажарилишига жавобгар ҳисобланади ва ҳоказо.

Шартномага ҳар икки томон ҳам қатъий амал қилаётганлиги натижаларда кўринади. Ҳозиргача режадаги 2300 тонна ҳисобидан 2 минг тоннадан ошириб сабзавот топширилди. Эртаги ва кечкиси бўлиб 2700 тонна картошка етиштирилиши мўлжалланган. Бу режанинг ҳам зиёдаси билан бажарилиши кутилмоқда.

Буғдойдан 40 центнердан хирмон кўтарилди. Жума Зокиров, Тоҳир Ўлжабоев, Жўра Ҳасанбоев, Турғунбой Холбоев, Тошкенбой Усмонов, Бахтиёр Мирзаабдуллаев сингари пудратчилар сабзавот ва ғалла экинларидан энг юқори ҳосил олдилар.

Юртбошимиз ҳар бир йиғинда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар тўғрисида гап борганда яхши навли уруғликларни экиш зарурлиги ҳақида қайта-қайта гапирадилар. Қайси хўжаликда уруғ масаласи ҳал бўлмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди, албатта.

— Мана ғаллачиликни олайлик, — дейди раис. — Биз ўтган йили бир қисм ерларга «Скифиенка» навини эккандик. Ҳосилдорлик ҳақиқатдан ҳам юқори бўлди. 40 тоннасини уруғликка олиб қўйгандик. Бу йил давлатдан шу навли ғалла уруғидан яна 40 тонна олдик. Уруғнинг ярмиси ўзимиздан чиққани учун сарф-ҳаражат анча тежалди. Ғаллачиликдан 4 ярим миллион сўм соф даромад олдик. Навоийликлар келгусида ўзларини ўзлари тўла равишда ғалла уруғи билан таъминлашни мўлжалламоқдалар.

Раис ўйлайди: айрим хўжаликларда имконият бор бўла туриб, 30—35 центнерлик ғалла олинмоқда. Биз эса ҳар ҳолда 40 центнердан хирмон кўтардик. Лекин қишлоқ хўжалиги, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш долзарб вазифа қилиб қўйилган ҳозирги шароитда бу ҳам кам, албатта. Гектаридан 50, ҳатто 60 центнерга етказиб ва ундан ошириб ҳам ҳосил олиш имконияти бор. Бунинг учун нима қилиш керак. Энг тўғри йўл — уруғ, парвариш билан бирга одамларни қизиқтириш, манфаатдорлигини оширишдир.

Ана шу мақсадда ғалла етиштирувчи пудратчилар ўртасида мусобақани ташкил этишнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Бу бригадалар билан тузилган шартномада ўз ифодасини топди. Дейлик, ғалла бригадасининг 25 гектар ери бор. Агар у ана шу майдондан 50 центнер ва ундан юқори ҳосил олса, ўша жамоага «Тико» енгил машинаси, 60 центнер олса «Дамас», 70 центнер олса «Нексия» машинаси бепул мукофотга берилади. Бунинг учун пул қаердан олинади дейсизми? Ўзиники — ўзига бўлади: агарда бригада 25 гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олса, 10 центнердан бўтқа ҳосил 25 тоннани ташкил этади. Бозор нархида ҳисоблайдиган бўлсак, бу ғалла 750 минг сўмга етади!

Хўжалик бўйича ғалла экилган майдонларда парвариш ишларининг боришини назорат қилиб борадиган махсус ҳосилот фаолият кўрсатяпти. Агар у хўжалик бўйича 1700 тонна буғдой олинишини таъминласа, ҳосилотга ҳам бепул енгил машина берилади.

Бизда деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб, ҳис қилаётганлиги, маъмуриятни ҳоли жонига қўймай ўз ҳакки-ҳуқуқини қатъий туриб талаб қилаётганлигининг ҳам боиси шунда!

Бу ҳақда 50 йилдан буён деҳқончилик қилиб келаётган, пудратчи оилалар бошлиғи Шоаҳмад ака билан суҳбатлашдик.

— Энг муҳими, — дейди у, — деҳқончиликка керак бўладиган воситаларнинг ўз вақтида етказиб берилишидан кўнглимиз тўқ. Шунинг учун ҳам пудратчининг бутун фикри-ёди экинни сифатли парвариш қилиш ва юқори ҳосил олиш билан банд бўлади. Ижарада эса бундай эмасди. Деҳқон ер ҳаққини тўлаб бўлгач, гўё ўзини хўжайин ҳисобларди. Ҳаммасини ўзим биламан, дерди. Бир гектар ерга 10-15 хил экинни экиб «қалаштириб» ташларди. Бундай майдонларда техникадан фойдаланиб бўлмас, ҳосилни саранжомлаб олиш қийин бўларди. Баъзан эса ўзича уруғ танлаб чув тушиб қоларди. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деган гап бор-ку ахир. Пудрат усулининг афзаллиги шундаки ердан фойдаланиш, қайси хил экинни экиш, уни парвариш қилиш жамоа хўжалиги назоратида бўлади. Ҳар ким ажратиб берилган ерига ўзи билганича экин экавермайди. Карталар йириклаштирилади. Бир хил экинлар ёнма-ён экилади. Техникадан фойдаланиш осон бўлади. Айтишади-ку, раҳбар оғзи билан ишласа, деҳқон қўли билан ишлайди. Унга шароит яратиб берсангиз бўлгани!

Деҳқонлар, пудратчиларнинг ўз меҳнатлари самарасидан қониқиш ҳосил қилаётганликлари боиси шундан. Сабзавот экинлари йиғиштириб олинган пайкаллар ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йилга тайёр қилиб қўйилмоқда. Буғдойзорлар иккинчи парваришдан чиқариляпти. Иккинчи сув берилмоқда.

— Бизга «Скифиенка» нави маъқул бўлиб қолди, — дейди деҳқонлар. — Биз уни экишдан олдин обдон унинг агротехникасини ўргандик. Пояси бақувват бўлиб ўсади. Ётиб қолмайди. Лекин битта шарти бор. Ўғитдан қисмаслик керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектарга 250—300 килограммдан аммофос, 50 килограммдан калий ўғитини берганмиз. Эрта баҳорда яна озиқлантирамиз.

— Мадомики, биз ғалла мустақиллиги учун курашаётган, ҳосилдорликни кескин ошириш йўлидан бораётган эканмиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ботир Тўлаганов, — энг яхши техникага ҳам эга бўлишимиз керак. «Кейс» комбайни бизга маъқул бўлди. Ўтган йили бу комбайндан биттаси даламизда ишлади. Барча майдондаги ғаллани бир ҳафтада ўриб-янчиб, саранжомлаб берди. Келгусида, албатта, ана шу комбайндан биттасини харид қилиб олишни ният қилиб қўйдик.

Далаларда ўз ишининг устаси, миришкори бўлган деҳқонлар меҳнат қилаётган, раҳбарлар уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, яхши шароитлар яратиб, уларга қайишаётган экан, ҳеч шубҳасиз янги режалари ҳам амалга ошади, яхши ниятлари ижобат бўлмасдан қолмайди, албатта.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Қаюмбой Деҳқонбоев Республика Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 7 октябрь куни қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда туман қишлоқ хўжалигида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, 1997 йил пахта ва бошқа экинлар ҳосилини нес-нобуд қилмай қисқа фурсатда йиғиб-териб олиш борасидаги вазифалар хусусида гапирди.

Бугунги кунда туманда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш секинлик билан бораётганлиги, 17 та хўжаликдан атиги 6, тасигина пай усулида ишлаётганлиги, шунингдек, терим техникаси мавсумига тўлиқ сафарбар қилинмаганлиги ва айрим қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳолини пахта йиғим-теримига жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги, кузги ғалла экиш ва суғориш ишлари кечикаётганлиги танқид қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди. Кўрилган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

ҚИРМИЗИ ДОН ХИРМОНЛАРИ

Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорациясида иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаяпти.

Мавжуд техника вақтида пухта тайёрланаётганлиги, экинлар парвариши илғор тажриба ва агротехника талаблари асосида ўтказилганлиги ўз самарасини берди. Шоли ўриш ва янчиш тезкорлик билан олиб борилди. 6 минг тоннадан кўпроқ шоли ҳосили етказиб берилди ва маҳсулот топшириш режаси муддатидан илгари бажарилди. Хўжалик бўйича ҳар гектар ердан 58 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжаликда техникадан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлиги айниқса, шоли ўриш ва янчишда ўз самарасини кўрсатди. Ҳар бир механизатор мавсумда 300—400 тоннадан, Рустам Акбаров ва Владимир Дрижаков сингари комбайнчилар эса 820 тоннадан шоли янчдилар.

Хўжалик далаларида ҳали ғарамлаб қўйилган шоли кўп. Уни янчиш ва давлатга топшириш давом этяпти.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш корхонаси маҳсулотларига нафақат ҳамдўстлик давлатларида, балки, хорижий мамлакатларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Ўтган йили мазкур корхона жамоаси АҚШ ҳамда Японияга ўн минг тоннадан зиёд тола сотган бўлса, бу йилги ҳосил толасидан 500 тоннаси Нидерландияга жўнатилди. Яқинда корхона маъмурияти Швейцария ва Хитой давлатларига яна ўн минг тоннадан ортиқроқ тола сотиш юзасидан шартнома тузди.

Жалол АЛИЕВ.

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР

ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида «Саломатлик дастури»га кўра оилавий поликлиникалар очила бошланди.

Мазкур даволаш муассасаларининг илгариги поликлиникалардан афзаллиги шундаки, оила аъзолари бир йўла малакали жарроҳ, ички хасталиклар шифокори, гинекологлари назоратидан ўтадилар. Бу эса оиладагиларнинг қайси биридадир бошланиши мумкин бўлган ёки энди бошланаётган касалликларнинг олдини олишда, аёллар хасталикларини аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда барча оила аъзолари бир жойнинг ўзида кўрикдан ўтказилиши билан уларнинг вақтини тежайди. Дастлабки шундай поликлиникалар Ангрен шаҳрида иш бошлади.

Саид ВАЛИЕВ.

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 24 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан бери

Юқоричирчиқ	1,91	98,57
Ўртачирчиқ	1,73	96,27
Чиноз	1,01	81,73
Янгийўл	1,50	80,92
Бўка	1,32	78,94
Бекобод	1,00	74,69
Пскент	1,10	69,25
Қуйичирчиқ	1,59	68,83
Оққўрғон	3,13	64,96
Вилоят бўйича	1,65	78,11
1996 йилда бўлган эди	1,72	72,96

ЮҚОРИЧИРЧИҚДА ЗАФАР ШУУРИ

Туман деҳқонлари давлатга йиллик пахта сотиш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

ҲАР мавсумда пахта бўйича йиллик топшириқ бажарилганидан кейин туман фаолларининг қисқа муддатли таҳлил йиғилишига тўпланиш биз учун одат тусига кириб қолган. Унда қилинган ишларга баҳо бериб, ердаги ҳосилнинг қолган қисмини ҳам неснобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун қўшимча тадбирлар белгиланади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ҳар гектар майдондан 27,4 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 19.400 тонна пахта топширилгани ҳақида вилоят ҳокимлигига маълум қилингач, хўжаликлар раҳбарлари, бош мутахассислар, туман қишлоқ ва сув хўжалиги, машина трактор парки, корхоналар, ташкилотлар, ўз-ўзини бошқарув тизими раҳбар ходимлари йиғилиб эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида батафсил гаплашиб олдик.

Хусусан, шу даврда Президентимиз бир қатор йиғилишлардаги нутқларида таъкидлаганидек, туманда бошқарув кадрларига талабчанлик оширилгани, айрим хўжаликларда бугунги кун рухини тушуниб етмаётган раҳбарлар йил бошида тўғри алмаштирилгани эътироф этилди. Улар ўрнига туман ҳокимлиги ва жамоа хўжаликлари аъзолари катта ишонч билдириб «Гулистон» корпорацияси, «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти, «Ийк ота», «Туркистон», Яссавий номли жамоа хўжаликларига раислар этиб сайланган кадрлар — Асқар Каримов, Геннадий Ли, Мирзаахмад Бекешев, Абдумажид Машахапов, Шариф Эргашевлар чиндан ҳам ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор ва ташкилотчи раҳбар эканликларини кўрсатдилар. Улар ўзлари бошчилик қилаётган хўжаликларда меҳнаткашларни астойдил ишлашларини таъминладилар. Мазкур ва бошқа раҳбарларнинг туман хўжаликларида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ва моҳиятини одамларга етказишдаги саъй ҳаракатлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Хўш, бу ислоҳотлар нималарда ўз ифодасини топди?

Биз кадрларни ўз ўрнига қўйгач, хўжаликларда мулк шаклини ўзгартириб, одамларда «Бу меники» деган туйғуни шакллантиришга интилдик. Шу тарзда оилавий пудрат усулида ишлаш йўлга қўйилиб, ер ўз эгаларига топширилди. Ҳар бир пудратчи-оила билан аниқ шартнома асосида иш юритила бошланди. БУ жараёнда икки томоннинг масъулияти ҳам белгилаб олинди. Меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигини ошириб бориш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, интизомни қатъий назорат этиш каби қатор тадбирлар бошқарув зиммасига юклатилди. Ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириб бориш шартномани сўзсиз бажариш каби масалалар оилавий пудратчининг асосий вазифаси деб ҳисобланди. Бунда, аввало, туманга намуна сифатида «Гулистон» корпорацияси тажрибa мактабини яратганлигимиз айниқса қўл келди. Хўжаликлар корпорация мисолида агрофирмаларни қандай ташкил этиш, пай усулида ишлаш тартиб-қоидалари, мулкка, ерга муносабат, ҳисоб-китоб юргизиш, оилавий пудрат афзалликлари, техникани авайлаб асраш, ундан оқилона фойдаланишга доир тажрибаларни ўрганиб бордилар.

Шунингдек, ютуқларни таъминлашда агротехника талабларига риоя этаётганлигимиз ҳам муҳим рол ўйнамоқда. 1994 йилдан бери биз Республика Академиясининг кимё институти олимлари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Улар шудгорлашдан бошлаб, чеканка, дефолиацияни сифатли амалга оширишда мададкоримиз ҳисобланадилар. Олимлар тавсияси билан туман хўжаликлари алмашлаб экиш хариталарига эга бўлдилар. Тадқиқотчиларнинг, айниқса, чеканка пайтида, ғўзанинг ривожини тезлаштириш ва унга қувват бағишлаш, ҳосил тўплаш чоғларида кимёвий препаратлардан тўғри фойдаланиш борасидаги ёрдамлари туфайли деярли барча хўжаликларда бу йил ҳосилдорлик 2—3 центнерга ортди. Германиянинг «Агрево» фирмаси ходимлари эса бундай препаратлар билан хўжаликларни қўллаб-қувватлаб турдилар.

Гап агротехника ҳақида борар экан, Андижон усули туманимизда ўзини оқлагани ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Туманда 1080 гектар майдонга чигит плёнка остига экилган эди. Ҳосилдорлик ўртача 32 центнерданни ташкил этди. Барча пахта майдонларига чигитни шу усулда эккан «Гулистон» корпорациясининг Шоир Ҳамидов, Шарифа Ҳамидова бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик гектар бошига 38 центнердан ошиб кетди. «Ийк ота» жамоа хўжалигидан Тожиқул Холиқулов, Музаффар Султонов, Сафар Харриев, Яссавий номли жамоа хўжалигидан Жуман Колхозов, «Туркистон» деҳқон фермерлар уюшмасидан Абдукарим Абдуллаев, Саид Асанов, Абил Елибоев бошлиқ бригадалар ҳам плёнка остига экилган пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Улар эришган кўрсаткичлар пахтачиликда бошланган ислоҳотларни чуқурлаштириб боришимизга даъват этади.

Маълумки, далаларда баракали ҳосил етиштиришда механизатор ва сувчиларнинг ўрни катта. Биз ана шуни ҳисобга олиб туман хўжаликларида мавсум давомида уларни рағбатлантириш учун алоҳида тартиб қоидалар тизимини ишлаб чиқишга эришдик. Ўз зиммаларидаги топшириқларни сифатли бажарган бу соҳа кишилари ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизигача қўшимча ҳақ билан мукофотланадилар. Айни пайтда йил давомида ўз техникасини авайлаб асраган, вақтида таъмирлаб экиш, йиғим-терим мавсумига шай қилиб қўйган механизатор учун яна устама ҳақ тўлаш белгиланган. Ана шу тадбирлар туфайли биз бу йил техникадан фойдаланишда анча юқори унумга эришдик. Етиштирилган ҳосилнинг салмоқли фоизи терим агрегатлари билан йиғиб олинди. Далаларда 110 та машина, 2та «Кейс» агрегатлари ишлади.

Албатта, ҳар йилдагидек мавсумда меҳнаткашларга яратилган қулайликлар, ҳар беш кунда бажарилган иш учун нақд пул билан ҳисоб-китоб олиб борилиши, илғор хўжаликлар, бригада бошлиқлари, машина ва қўл терими пешқадамларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришлар, суръатни жадаллаштиргани шубҳасиз. Мўлжалдаги хирмонимизни яратишда паркентлик ҳашарчилар ҳам муносиб улуш қўшишди.

Лекин эришилган ютуқларга, режамиз бажарилганига қарамай ишимиздан тўла қаноатланиш бўлмаганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси йиғилишида президентимиз нутқини, яқинда вилоятимизда шу масалага бағишлаб ўтказилган фаоллар йиғилишидаги фикр мулоҳазаларни тинглаб, шундай хулосага келдим. Дарҳақиқат, ҳали ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида барча имкониятлардан тўлиқ фойдалана ололмаётганлигимиз ойдинлашди. Туманимизда бир вақтлари ҳар гектар ердан 35—36 центнердан пахта, 50—60 центнердан ғалла ҳосили етиштирган хўжаликлар бўлган. 40 центнерчи бригадалар вилоятнинг бошқа туманлари пахтакорларини сафларига қўшилишга даъват этганлар. Хусусан, собиқ «Политотдел» жамоа хўжалигининг техникага бўлган муносабати Тошкент технологияси заминини яратган. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида бундай юқори кўрсаткичларга илгарилари эришилган экан, нима учун биз 27—28 центнерлик пахта, 30—32 центнерлик ғалла ҳосилини чегара деб билишимиз керак, деган мулоҳазалар хаёлимдан ўтди. Нима учун йиғилишда қайд қилинганидек, «Политотдел»нинг ҳар бир сигирдан 4-5 минг литрдан сут соғиб олиб, топган шухрати бугун йўқолиши керак? Нима учун мунтазам юқори ҳосил берадиган навларни яратишда олимлар ёнига кириб ишлаш каби анъаналаримиз унут бўлиб кетмоқда?! Биргина бизнинг туманимизда навларга бўлган муносабатда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Масалан қатор хўжаликлар «Наманган—77»ни афзал деб билишса, «Гулистон» корпорацияси «Фарғона—3»нинг юқори ҳосилдорлигини исботлади. Яна бир хўжаликлар бошқа навга толаси мустаҳкам ва баракали деб билиб унга ихлос қўйишган. Мана бу йўналишда ҳали жиддий уйғунликка эришилмагани, фан билан ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлик етарли эмаслиги, комиссия йиғилишида ҳам, вилоят фаоллари йиғилишида ҳам жуда тўғри танқид қилинди. Бу гаплар тўлалигича бизнинг туманимизга ҳам тегишлидир.

Мавсумда тумандаги хўжаликларда ишлаган 2 та «Кейс» машинаси чинакам мўъжиза эканлигини кўрсатди. Кунига 30 тоннага етказиб пахта теришидан ташқари, уни тўкмаслиги билан бу жараённи кузатгани келган олимлар, мутахассислар, механизаторларни лол қолдирди. Хўш, нега шундай машиналарни ўзимизда ярата олмаймиз? Ахир бир йил ичида Асакада енгил машиналар ишлаб чиқариб, собиқ иттифоқ мамлакатларига ўз маҳсулотини манзур қилган республикамизда бунинг учун етарли имкониятлар бўлса керак, олимларимиз тузукроқ изланишса бўлади-ку деган мулоҳазаларга бораман. Шу боисдан, юртбошимизнинг Тошкент трактор заводида бўлиб, корхона раҳбарларига, тадқиқотчи олимларга, айниқса САИМЭ олимларига билдирган эътирозлари нақадар ўринли эканлигини таъкидламоқчиман. Шуларни ўйлаганимда ҳали биз раҳбар ходимлар рўй бераётган ўзгаришларга ҳозиржавоб бўлолмаётганлигимиз янада сезилади. Шу жиҳатдан олганда комиссия йиғилиши барчамизнинг кўзимизни очиб қўйди, деб бемалол айтиш мумкин.

Мен бу фикрларимни йиллик режа ошириб бажарилган, туманимиз меҳнаткашлари ҳар гектар майдондан 32 центнерлик ҳосил учун теримни қизғин давом эттираётган қутлуғ кунларда гапираётганим бежиз эмас. Ҳар бир туманда, ҳар бир хўжалик, ташкилот илмий муассасада қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун имкониятлар кўлами кенг. Уларни амалга ошириш ҳар биримизнинг зиммамизда. Зеро бугун мамлакатимиз ҳаёт тарзининг фаровонлашуви, рўзғоримиз қут баракаси бевосита ана шу соҳанинг равнақига боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турипти.

Мирзахўжа ҚАЛҚУЛОВ,
Юқоричирчиқ тумани ҳокими.

***ШУ ЙИЛНИНГ** август ойи эди. «Ийк ота» жамоа хўжалиги раиси Мирзааҳмад Бекешев билан суҳбатимиз чоғида у хўжалик йиғим-терим мавсумида асосан техникага таяниши, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб олиши ҳақида сўзлаб берган эди. Чиндан ҳам шундай бўлди. Пахта далаларида терим машиналари бир зум тинмади. Пахтакорлар 24 иш кунида йиллик режани ортиғи билан бажардилар. Давлатга 2224 тонна ўрнига 2450 тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўтган йилдагидан 3 центнерга ортди.*

Суратларда: юқорида терим агрегатлари далада; хўжалик механизатори Туймақул Назарқулов 12 кун ичида «Кейс»да 310 тонна пахта теришга муваффақ бўлди; жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Ю. Ногай (ўртада) механизаторлар билан ҳосилнинг қолган қисмини ҳам тез суръатлар билан йиғиб олиш ҳақида суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД,
Владимир ГРАНКИН
суратлари.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳар йили йиғим-терим мавсумида юқоричирчиқлик пахтакорлар ёнида бўлиш биз учун анъанага айланиб қолган. бу йил ҳам 23 ташкилотдан 3235 нафар киши пахта далаларига жалб этилди. Улар қўшни туманнинг барча хўжаликларида меҳнаткашларга астойдил кўмаклашмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, Паркент тумани ҳокимлиги ишни самарали ташкил этиш мақсадида ҳашарга отланишимиздан олдин зиммамизга аниқ вазифалар қўйди, ҳатто, ҳар бир ташкилот қанча пахта териб беришни белгилаб берди. Бугун юзимиз ёруғ. Мавсум бошидан буён 1700 ўрнига 1750 тонна пахта тердик. Бу хирмонга ишга ҳалол муносабатда бўлган «Чотқол» қўриқхонаси, «Техникатаъмиртаъминот» туман бўлими, туман маданият бўлими, ўрмон хўжалиги ва бошқа қатор ташкилот, муассасалар ходимлари ҳамда хизматчилари катта ҳисса қўшдилар.

Туман пахтакорлари томонидан эришилган зафар биз учун ҳам қувончлидир. Маррани эгаллашда озми-кўпми меҳнатимиз сингганлигидан хурсандмиз. Туман пахтакорларини қўлга киритган муваффақиятлари билан чин қалбдан табриклаймиз. Уларга келгуси ишларида омад тилаймиз.

Иброҳим ТЎРАЕВ,
Тўйчибой СОЛИЕВ,
Паркент тумани пахта штаби ходимлари.

ЕР ЭГАЛАРИ ҚЎЛИДА

РАИСЛИККА сайланган пайтда кўнглимдан ўтган бир ҳолатни айтай. Хўжаликни бошқара олишимга ишонч билан биргаликда чўчиш туйғуси ҳам йўқ эмасди. Чунки, илгарилари катта оиланинг саркори бўлиш оғирлиги ҳақида кўп эшитгандим. Лекин, устозларга раҳмат. Мазкур хўжаликда кўп йиллар раис бўлиб ишлаган, ҳозир картошкачиликка ихтисослашган «Туркистон» деҳқон-фермерлар уюшмасига раислик қилаётган Абдумажид Машахапов, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Асқар Ўтамалиев ва бошқа тажрибали кишилар далдаси, маслаҳатлари билан иш бошладим.

Ҳамма қатори оила пудрати биз учун қўл келди. Мавжуд экин майдонларини ўртача 4 гектардан ҳар бир пудратчига беш йиллик муддат билан шартнома асосида бўлиб бердик. Пудратчилар иши қай тарзда бориши эса бошқарувда тез-тез тахлил этиб турилди. Шартномага риоя қилмаганларга моддий, маъмурий чоралар кўриш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Беш қўл баробар эмас, деганларидек, ғўза парвариши чоғида айримлар ўзларини у ёққа бу ёққа ташладилар. Бошқарув албатта, улар бепарволик қиляптилар, деб қараб туролмасди. Чунки, ишлови кечиккан ниҳоллардан мўл ҳосил олиб бўлмайди. Биз шундай кезларда лоқайдлик қилганларнинг пахтасини ўтдан тозалашга, шира хавфининг олдини олишга хашарчиларни жалб этдик. Лекин, ана шу ёрдамчиларга кетган харажатни пудратчи қоплайдиган қилиб қарор чиқарилди. Шундан кейин ишга муносабат тамомила ўзгарди. Оилавий пудратчилар ўз қариндошлари, хонадон аъзолари билан биркитилган майдонлардаги ғўзаларни вақтида яганалаш, ўтдан тозалашга ўргандилар. Парвариш агротехника талаблари асосида олиб борилди. Суғоришни ташкил этишда навбатчилик уюштирилиб, тунги сув бериш йўлга қўйилди. Айни пайтда ниҳоллар минерал, маҳаллий ўғитлардан ташқари, шарбат сувига қондирилди. Шу тарзда август ойида баракали ҳосил тўпланди. Далаларда пахтанинг 80 фоизи очилгандан кейингина машиналар билан теришга киришдик. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли 1164 гектар майдондан 3600 тоннадан зиёд пахта териб олинди ва давлат хирмонига топширилди. Хомашёнинг 85 фоизи машиналар бункеридан тўкилди. Пахтакорлар учун яратилган моддий қулайликлар ишга унум бағишлади. Ёз мавсумида 12 миллион, йиғим терим бошлангандан буён 9 миллион сўм пул жамоа аъзоларига тарқатилди. Бундай рағбат уларнинг юқори кайфият билан ишлашларини таъминлади.

Элим-юртим деб жон куйдириб, тер тўкаётганлар орасида, айниқса, Жуман Колхозов, Алишер Алтаев, Мурод Аҳмедов бошлиқ бригадалар, Эран Исоқов, Фарҳод Холтоев, Тўхтамурод Истамқулов, Сайдулла Колхозов сингари механизаторлар бошқаларга ибрат бўлдилар.

Хўжалигимиз ғалла мустақиллиги учун бошланган ҳаракатга ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Биз 718 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан дон ҳосили етиштирдик. Ғалладан кутилаётган соф фойда 3 миллион сўмни, пахтадан кутилаётган соф фойда эса 18 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу эрта-индин аъзоларимиз даромади баракали бўлишидан далолатдир.

Жамоа хўжалигимиз қўлга киритаётган ютуқлардан севинмай бўлмайди. Аммо, бутун республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни талабни бошқача қўймоқда. Хусусан, шу йил 7 октябрь куни қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича комиссия йиғилишида Президентимиз, вилоят фаолларининг ана шу масалага бағишланган йиғилишида вилоят ҳокими биз қишлоқ хўжалик ходимлари олдида катта вазифалар турганлигини таъкидлашди. Бу, аввало, агротехник талабларга тўлиқ риоя этиш, кадрларни тўғри танлай билиш, боқимандаликдан ҳоли бўлиш, техникадан оқилона фойдаланиш, ерга муносабатни мутлақо ўзгартириш, ҳосилдорликни ошириш, юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни таъминлаш, хомашёни қайта ишлаш орқали жаҳон бозорига чиқиш каби муҳим муаммолар билан боғлиқ вазифалардир. Ҳар иккала йиғилишдан бизнинг жамоа хўжалигимизда тегишли хулосалар чиқариб олинди. Ўз имкониятларимиздан тўлароқ фойдаланиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида изчил изланишни ўзимизга мақсад қилиб қўйдик. Хусусан, хўжаликда пахта билан биргаликда ғаллачилик, чорвачиликни ҳам юқори поғонага кўтариш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Шариф ЭРГАШЕВ,
Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги раиси.

ЗАМИНГА МЕҲР

ЧОРАК асрдирки, у дала кезади. Бу йиллар ичида фидокор деҳқон ҳалол меҳнати туфайли эл орасида обрў-эътибор топди. Ҳар бир экин майдонининг сир-асрорини билган моҳир сувчи, ўз касбини севган механизатор, тадбиркор ва ташкилотчи бригадир сифатида танилди. Дўстлари уни бизга: «яссавий»ликлар орасида ерга меҳр қўйган фидойи одам, ишонмасангиз исми-шарифидан ҳам билаверинг: «Колхозов», дея таништиришганда, Жуман: «Яна бу гапларга ишониб юрманг, даласиз туролмаслигим рост-ку, қолган гаплари ҳазил», деди табассум билан. Бу йил у бошчилик қилаётган бригадада 102 гектар майдондан 24 ўрнига 30 центнердан ҳосил олинди. 306 тонналик хирмон бунёд этилган бўлса-да, ҳали далаларда пахта чаман бўлиб очилиб етипти. Терим эса қизғин бормоқда.

Суратда: бригада бошлиғи Жуман КОЛХОЗОВ.

БАРАКАСИНИ БЕРДИ

КЎКЛАМДА бўлиб ўтган йиғилишда корпорациямиз раҳбари Асқар Каримов андижонча усул ҳақида гап очиб, бизнинг ва яна икки бригаданинг ерларига чигит пленка остига экилишини маълум қилди. Пахтачилик борасида анчагина тажриба тўплаган бўлсам ҳам ўйланиб қолдим. Ҳар йили топшириқни ошириб адо этиб келаётган бригадамиз бу янгиликка биринчи бор дуч келиб, режани уддалай олмаса-я, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Раисга бошқа бригадаларга ҳам бўлиб берганингиз яхши бўларди, деган фикрни айтган эдим, у бошқарув аъзолари шуни маъқул кўришди, агрегатларни мослайверинглар, деди. Шу куни бу усулда чигит бир эгатнинг пуштасига икки томонлама ташланиши,кўчат қалинлиги 150 минг атрофида бўлиши, ҳосил фақат қўлда йиғиб-териб олиниши ҳақида ҳам гапириб, вазифамиз масъулиятли эканлигини таъкидлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, дастлаб иш юришмади, гоҳ мослама издан чиқади, гоҳ ерга уруғ ташландими йўқми, билинмай ҳуноб қилади. Агрегат орқасидан юриб, чигитни қайта ёпиб кетган пайтларимиз ҳам бўлди.

Қийинчиликлар ортда қолар экан. Мушкулликларни енгдик. Бу усулда чигит экишнинг сир-асрорларини эгаллаб олдик. Кейин танлаган навимиз «Фарғона-3»нинг парваришига кириштик.

Андижонликлар айтганидек, ҳосил 20 кун илгари етилди. Худо меҳнатимизга яраша пахтамизнинг баракасини берди. 100 гектар майдондан 38 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани ошириб адо этдик. Эндиги мўлжал 45 центнер. Таҳминимга кўра кўрсаткич бундан ҳам ортиши мумкин. Чунки, майдонларимизда иккинчи терим пахтаси худди биринчи теримдагидек бодраб етипти. Мақтаниш бўлмасину, юқори идоралардан келганлар бригада ишига юқори баҳо беришди. Ҳозирги кунларда ҳам илғор теримчилар 130-140 килограммга етказиб пахта теришмоқда. Марям Холиқулова, Муҳайё Топилова, Феруза Шоабзалова каби кўпмингкилограммчилар ҳар бири тўрт-беш тонналик хирмон уйиб қўйишди.

Бригадамизда барча теримчилар учун иссиқ овқат ташкил қилинган. Корпорация ва «Усмонобод» агрофирмаси раҳбарлари ҳар беш кунлик пулимизни вақтида беришни таъминлашгани. Бунга жавобан биз ҳам суръатни бўшаштираётганимиз йўқ. 45 центнерлик маррани эгаллашимиз тайин.

Шоир ҲАМИДОВ,
«Гулистон» корпорацияси бригадаси бошлиғи.

Суратда: (чапдан ўнгга) Гулистон корпорацияси раҳбари Асқар Каримов бригада бошлиғи Шоир Ҳамидов билан пахта даласида.

«КЕЙС» РОҲАТИ ЖОН ЭКАН

ҲАР йили туман ҳокимлиги раҳбарлари йиғим-терим мавсуми олдидан биз механизаторларни тўплаб, машиналарнинг шайлиги, саломатлигимиз, уйрўзғоримиздаги шарт-шароитлар ҳақида дилдан суҳбатлашишарди. Бу учрашувларнинг шуниси яхшики, ҳар ким юрагидаги гапни очиқ-ойдин айтади. Техника ёки оилавий аҳвол билан боғлиқ камчиликлар бўлса, шу давранинг ўзидаёқ ҳал этилади. Ҳокимлик ва хўжалик раҳбарларининг бизга бўлган эътибори, ғамхўрлиги сидқидилдан ишлашга ундайди.

Назаримда биргина менинг эмас, барча касбдошларимнинг ўз ишларидан мамнунликлари ҳам шундан бўлса керак. Албатта, терим жараёнида ҳар хил ҳолатлар бўлиб туради. Захира қисмларга эҳтиёж сезамиз. Гоҳо ёнилғи билан боғлиқ муаммолар чиқиб қолади. Шундай кезларда туман машина трактор парки хизматчилари ҳамиша мададкор бўлиб келишмоқда ва тезда қийинчиликлардан халос этишмоқда.

Шу боис, бу йилги мавсумда машиналар терими суръати пасаймади. Шахсан ўзим «Кейс» билан 300 тонна, шеригим Туймақул Назарқулов эса 310 тонна пахта тердик. Бир кунда 30-35 тоннага етказиб бункерларимиздан пахта тўккан пайтларимиз кўп бўлди.

Шуни айтиш керак-ки, «Кейс» кабинасида худди уйимда ўтиргандек роҳат қиламан. Ҳа тиқ этган товуш бор, ҳа қош-кўзимга ғубор қўнади. Бир вақтлари тик (вертикаль) шпинделлардан бошқа турдаги шпинделлар билан пахта териб бўлмаслиги ҳақидаги гапларни қулоғимизга қуяверишар эди. «Кейс»нинг шпинделлари (горизонталь) ётиқ ҳолатда бўлиб, худди пахтани қўлда тергандек тоза ва уринтирмай йиғиштириб олади. Бундай ҳосил фақат юқори навларга қабул қилинади. Қани энди шунақа машиналар ўзимизда ишлаб чиқарилса, деб орзу қиламан.

Яқинда Тошкент трактор заводидаги учрашувда Президентимизнинг корхона раҳбарлари, олимлар билан терим машиналари ҳақида жон куйдириб гапирганликларини телевизор орқали кўрдим. Ҳақиқатдан ҳам олимлар астойдил изланишса, «Кейс»га ўхшаш машиналар яратишларига имоним комил. Келажакда ўзимизнинг ана шундай бакувват, тезкор, серунум техникамиз деҳқон меҳнатини енгиллатишига ишонаман.

Эгамберди ЙЎЛДОШЕВ,
механизатор.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири Саидвали ҲАСАНОВ тайёрлади.

ОЛТИ ЙИЛДА ОЛИНГАН САБОҚ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин ҳаётимизга бир қатор янги тизимлар кириб келди. 1991 йилнинг 25 октябрида Республика Президентининг Фармонига мувофиқ фаолият кўрсата бошлаган божхона тизими ҳам мустақиллик меваларидан биридир. Ўтган йиллар ичида мамлакатимизда божхона тизимини такомиллаштириш юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Республикамизда узоқ ва яқин ҳорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб, Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги, ўзаро ҳамкорлик доираларининг кенгаяётганлиги божхона ишини янада мукаммалроқ ташкил этишни тақозо этмоқда. Республика Президентининг шу йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони божхона тизимини ташкил этишни янада яхшилаш, мустаҳкамлаш, унинг ролини ошириш, бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун ана шу соҳа ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонламоқдалар. Биз байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Божхона Давлат Қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғининг муовини Тоҳир ЗУФАРОВ билан бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир янгилик, ислоҳот пировард натижада халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳаёт тарзимизни ўзгартиришга, фаровонликка қаратилгандир. Том маънода мустақиллигимизнинг илк меваларидан бўлган божхона хизмати ҳам аввал бошданоқ Ватан, халқ мулкини асраб-авайлаш, унинг ноқонуний йўллар билан четга чиқиб кетишини тўхтатиш, тобора кенг қулоч ёйётган товар айирбошлашдаги ҳамкорликнинг қонун-қоидалар асосида амалга оширилишини назорат қилишга сафарбар этилди.

Шунинг учун ҳам божхона тизимида ўз халқи, Ватани учун хизмат қиладиган, зиммасидаги масъулиятни илғаб етадиган юқори малакали ҳуқуқшуносла р, иқтисодчилар, мутахассислар, қўйинг-чи, қилаётган ишининг асл моҳиятини ҳис қила оладиган етук инсонлар меҳнат қилиши керак, деб ҳисоблайман. Биз ўз фаолиятимиз билан биринчи галда бож олиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, тушаётган маблағларни ўз вақтида давлат хазинасига тушишини таъминлашимиз, иккинчи галда мамлакатдан ноқонуний йўллар билан чиқиб кетаётган товар-моддий бойликларни халқимизга қайтариш, айни вақтда четдан кириб келаётган ноқонуний товарлар, ўз сертификатига эга бўлмаган маҳсулотлар, инсониятнинг энг катта душмани бўлиб келаётган наркотик моддалар ва бошқа товарларга тўсиқ қўйишимиз шарт. Юқорида айтганимдек, бу вазифаларни бажариш учун ҳақиқий ватанпарвар бўлмоқ керак.

Мен республика ҳукумати ва шахсан Президентимизнинг божхона тизимини такомиллаштиришга, мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётганликларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Республика Олий Мажлисининг 1997 йил августда бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида «Божхона Кодекси», «Божхона таърифи тўғрисида», «Давлат Божхона тизими тўғрисида»ги қатор қонунларнинг қабул қилинганлиги буни яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қонунлар ва Республика Президентининг юқоридаги Фармони бизга жуда катта имкониятлар берди. Эндиликда Ўзбекистоннинг божхона тизими халқаро ҳамжамият доирасига дадил кириб бормоқда ва ўз алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Ана шундай катта ишга Давлат Божхона Қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шуни мамнуният билан айта оламанки, вилоят божхона бошқармаси ходимлари ўтган йиллар мобайнида бир қатор эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдилар. Бу борадаги ишлар давом этмоқда. Биргина 1997 йилнинг ўтган тўққиз ойида божхона тўловларини ундириш бўйича белгиланган топшириқлар 102,4 фоизга бажарилди. Божхона қонун-қоидаларининг бузилиши ҳолларини аниқлаш бўйича 2246 та ҳолат аниқланди. Ўтган даврда республикамизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилаётган ва чиқиб

Бугун — республика божхона хизмати ташкил этилган кун

кетаётган 52,3 миллион сўмлик товар-моддий бойликлари халқимизга қайтарилди.

Ўтган давр биз божхона ходимлари учун ўқиш, ўрганиш, малака, тажриба орттириш йиллари бўлди, десам асло янглишмаган бўламан. Кадрларни жой-жойига қўйиш, уларнинг касб-малакаларини мунтазам равишда ошира бориб, сафларимизга қатъиятли, хушёр, ўз ишига садоқатли, фидокор, ўзгаларга меҳрибон кишиларнигина танлаб олиш доимий вазифаларимиздан биридир. Шуни тан олиб айтиш керакки, сафларимизда ҳали-ҳозир қонун ва интизомни мунтазам бузувчи, шубҳали тижорат-савдо тизимлари ва жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, ўз обрўсини тўкаётган нопок ходимлардан тозалаш ҳаракатлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Давлат божхона қўмитасининг 10-сонли буйруғи асосида амалга оширилган навбатдан ташқари аттестация (шаҳодат ҳайъати)нинг ўтказилиши юқорида келтирилган фикрларнинг тўғри эканлигини яна бир карра тасдиқлаб турибди. Умуман олганда божхона шахсий таркибининг 97 нафар ходими эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилганлиги фикримнинг исботидир.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Айримлар божхона деганда қандайдир нотўғри фикрга борадилар. Аслида бизнинг вазифамиз халқ манфаатларини, халқ мулкини ҳар хил юлғичлардан, қонунбузарлардан ҳимоя қилишдир. Айни вақтда халқимизни, тадбиркор ва ишбилармонларни мамлакатда қабул қилинган ва амал қилаётган қонунлар ва меёрий ҳужжатлар асосида ишлашга ўргатишдир. Афсуски, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ҳамон эгри йўллар билан халқ ризқини қияётган, моддий бойликларни талон-торож қилаётган кишилар кўплаб учраб турибди. Сўнгги йилнинг ўзида ана шундай 53 фуқарога нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Куни кеча Қозоғистон Республикасининг фуқароси Р. Аҳмеджонова деган шахс республикамиздан 320 минг сўмлик тиббий доридармонларни ноқонуний олиб чиқиб кетаётганда ушлаб қолинди. Шу давлат фуқароси Б. Алимхонов 600 минг сўмлик озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини олиб чиқиб кетаётганда ушлаб қолинди. 2 октябрь куни биргина вилоятимизнинг «Ғиштқўприк» божхона бўлимида етти киши ноқонуний товарларни олиб кетаётганда қўлга тушди.

Тўғри, уларнинг аксарияти қўшни давлатларнинг фуқаролари. Лекин улар ун, ёғ, шакар ва бошқа озиқ-овқатлар ҳамда истеъмол моллари ва товарларни Ўзбекистондан, унинг фуқароларидан харид қилмоқдалар-ку! Ахир, нафс учун, бойлик учун халқ ризқини қияётган бундай кимсалар бизнинг орамизда юрибдилар-ку! Мана шу ҳақда ўйларканман, мен республикамиз ҳар бир фуқаросининг қалбида Ватан туйғуси, юртпарварлик, ўз халқи учун жон куйдириш ҳислатларини шакллантириш устида чуқурроқ ишлашимиз керак, деб ҳисоблайман. Аммо яна бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтаман. Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустаҳкам қонунларига ва кучига эга. У бедарвоза эмас. Унинг ҳар бир ходуди, мустаҳкам қўриқланмоқда. Шундай экан, мамлакатдаги товар-моддий бойликларнинг ҳеч бири ноқонуний тарзда четга чиқиб кетмайди.

Божхона ходимлари мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини кучайтириш, иқтисодий манфаатларини, хавфсизлигини, бозорини, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бойликларимизни ноқонуний йўллар билан олиб кетиш, контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилишига, гиёҳванд моддалар ҳамда қуроллар-яроғларни ноқонуний равишда кириб келишига қарши курашга сафарбар этилганлар. Бу ҳаракатда Тошкент вилояти Божхона Бошқармаси ходимлари ҳам четда турмайдилар. Биз ўз фаолиятимизда учраётган камчиликларни тугатиш, муаммоларни ечиш юзасидан катта ҳаракатларни бошладик. Бунга шахсий таркибимизнинг ходимларининг имкониятлари, иқтидорлари етади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни бирам билан қутлайман. Уларга масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилайман.



Суратда: 14-сонли «Ғиштқўприк» божхона маскани ходимлари — бош назоратчи Халил Жалилов, назоратчи Дилшод Акбаров ва Абдуқодир Раҳимовлар автоуловни назоратдан ўтказишмоқда.

Владимир ГРАНКИН сурати.

ДУШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Болалар учун. «Бешбармоқ».
9.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.25 Кино янгиликлари.
9.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жаннат». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
12.35 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.00 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
13.20—14.00 Телеминиатюралар театри — Сурхондарёда.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильм.
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Шарқ тароналари». 20-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20, 23.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
21.50 «XXI аср бўсағасида».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 «Бешинчи ўлчов».
22.20 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Кулги ишқибозлари». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультканусль».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Сайёрамиз нафаси».
20.15 «Умр баҳори».
20.30 «Ракурс».
21.00 «Спорт-тайм».
21.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
21.55 «Кичик шаҳардаги завод оламни забт этмоқда». Ҳужжатли фильм (Япония).
22.45 «Ўн икки тилда ўн беш соат».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Энг муҳими». Адабий-маърифий кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Париларнинг кузги совғаси». Болалар учун фильм.
12.10 «Шарқ тароналари». 20-кўрсатув.
12.35 «Фил учун совға». Мультфильм.
12.45—14.00 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.30 «Табобат сирлари».
18.45 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Излаган имкон топар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бирдан бир миллионгача». Публицистик кўрсатув.
21.20 «Назм ва наво». Ҳазиний лирикаси.
21.50 «Беллашувлар, натижалар...»
21.55 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент)—«Сурхон» (Термиз). Ёзиб олинган.
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Авлодимиз».
23.25 «Акс».
23.45—23.55 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Чип». Қисқа метражли телевизион фильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Оқшом чоғи, аршу-аълода». Бадиий фильм (Австралия).
24.00 — 00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультканусль».
19.05, 22.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 «Тиббиёт Сизлар учун».
21.30 «Ўйингоҳ».
22.00 Мусиқий дақиқалар.
22.10 «Спектаклдан сўнг».
22.40 «Серго». Видеофильм.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Най».
8.40 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
9.00 «Йиллар ўтиб». Бадиий кўрсатув.
9.20 «Чемпион сафардан қайтди».
9.40 «Қуённинг кўз ёшлари», «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильмлар.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм.
12.25 «Назм ва наво». Ҳазиний лирикаси.
12.55—14.00 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳикматлар хазинаси».
18.25 «Ранглар жилоси».
18.40 «Жамоат ташкилотлари: маслак ва мақсад».
19.00 «Шарқ тароналари». 21-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Санъаткор саодати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов.
21.40 «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.05 «Бухорои Шариф».
22.25 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
22.55 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изидан...»
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Занжир». Бадиий фильм (Англия).
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультканусль».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Безнен мирас».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Азизим».
21.00 «Мезон».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Паровоз».
22.05 «Ҳаёт карвони».
22.35 «Нафосат гулшани».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Санъаткор саодати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш

этади: «Ҳунари бор, ҳор бўлмас».
9.35 «Шарқ тароналари». 21-кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Истиқлол адабиёти».
10.25 «Алдар Кўса». Бадиий фильм.
11.50 «Ватанни севмоқ иймондандир».
12.15 Болалар учун. «Бўш вақтим — хуш вақтим».
12.40 «Ботма, қуёш».
13.00 — 14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
18.20 «Езувчилар — болаларга». Эргаш Раимов.
18.40 «Илм — ўзликни билмакдир».
18.55 «Ажаб саодат эрур...» Адабий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.40, 23.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.45 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
23.05 Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова концерти.
23.25 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Болалар дунёси».
9.15 «Турфа олам».
9.45 «Нафосат».
9.55 «Бу мунис лаҳзалар».
10.20 «Кенгга кенг дунё».
10.35 — 13.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Толенома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муносабат».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Ҳудуд».
22.40 «Кино жавонидан».
00.10 — 00.20 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.30
*
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 «Сулола». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Каффос». Детектив комедия.
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультканусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шалом».
20.20 «02» тўлқинида.
20.35 «Минг бир маслаҳат».
20.50 «Компьютер ревю».
21.05 «Интерспорт».
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Каталог».
22.00 «Эллада».
22.30 «Мусиқий калейдоскоп».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова концерти.
8.45 «Юзма-юз».
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мангуликка даҳлдор».
9.25 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Малика ва Шаҳзода».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ислоҳот одимлари».
10.30 Немис тили.
11.00 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
11.25 XII Марказий Осий ўйинлари олдидан.
11.50 «Сайқал». Видеоканал.
12.50 — 14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Маърифат бешиги».
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Ёруғ олам кўзгуси».
19.00 «Шарқ тароналари». 22-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.05, 00.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дурдона».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
21.45 «Маърифатнома».
22.15 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов концерти.
22.45 «Меҳр макони».
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
23.10 «Олам».
23.20 «Мажнунтэл». Кинокомпозиция.
23.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 11-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.20 «Ахборот».
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Толенома».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Мутойиба».
10.40 «Муносабат».
11.10 «Ҳудуд».
11.40 — 13.10 «Кино жавонидан».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Пойтахтдан узоқроқда».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.00 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.10 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дил дафтари».
20.05 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «7 дан 70 гача».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.15 «Бокс, бокс, бокс».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10 — 00.20 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Ҳақиқат билан тўқнашув». Бадиий фильм.
24.00 — 00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультканусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.20 «Мурувват».
20.50 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
22.00 «Жума куни ишдан сўнг».
22.30 «Палитра».
22.50 «Шарқ дарбозаси».
23.10 «Йўллар ортидаги йиллар».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Кичкинтоймиз — гижинг-тойиз».
8.45 «Маърифатнома».
9.15 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 11-қисм.
10.00 «Шохрух клуби».
10.20 «Булутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
10.30 Олтин мерос. «Либослар жозибаси».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.45 «Маҳорат».
11.05 «Сени Ватан кутади».
11.25 «Идрок».
11.45 «Самраат». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).
13.50 «Туркий уруғлар».
14.05 — 14.35 Эстрада тароналари.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.40 «Зангиоталик йигит». К. Тўлаганов.
19.00 «Ҳайрат». Пулицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Волидангни рози қил». Мусиқий композиция.
22.00 Газета саҳифаларида...
22.20 «Шийпондаги учрашувлар». Жиззах вилоят Пахтакор тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 «Ҳазил».
23.40 Умар Шариф «Муҳаббат ҳақида миш-мишлар» фильмида.
01.20 «Мунажжим башорати».
01.25 «Тунги пойтахт таронаси».

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «Пойтахтдан узоқроқда».
9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.40 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.50 «Дил дафтари».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.20 «Ривоят».
10.30 «7 дан 70 гача».
10.50 «Кинонигоҳ».
12.20 — 12.35 «Бокс, бокс, бокс».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.35 «Умрбоқий мерос».
18.50 «Дугона».
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Омонлик тилаймиз».
20.20 «Минг ҳунар соҳиблари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ плюс театр».
21.20 «Глобус». Телеальманах.
21.40 «Мафтункор чеҳралар».
22.00 «Интерфутбол».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 Видео — «О».
00.05 — 00.15 «Даракчи».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Минг бир қиёфалар». Фильм-спектакль (А. Райкин иштирок этган). 1-қисм.
22.55 — 23.05 «Галерея бўйлаб». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Уй остонадан бошланади».
10.55 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.40 «Кросс-Роуз» кафесига хуш келибсиз («Америкага назар» кўрсатувига илова).
12.10 — 12.30 «Корейс тилини ўрганамиз».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультканусель».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Ибн-Сино». Бадиий фильм.
21.30 «Рақслар қанотида».
22.05 «Тақдирлар».
22.40 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.40 «Хит-коллекция».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. «Мафусаил». Бадиий фильм. 2-қисм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
12.30 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.00 «Шийпондаги учрашувлар». Жиззах вилоят Пахтакор тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
13.50 «Болалигим — пошшолигим».
14.50 — 15.00 «Қуёш юрти». «Фарғонанинг мовий ҳалқаси». Ҳужжатли фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
18.20 «Спорт, спорт, спорт».
18.40 «Сеҳрли шуъла».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 Санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий дам олиш кўрсатуви.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Пахтакор» (Тошкент). Ёзиб олинган.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.35 Кино янгиликлари.
23.50 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.10 «Мададкор руҳ». Бадиий фильм (АҚШ).
01.40 — 01.45 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.20 «Умрбоқий мерос».
9.35 «Дугона».
9.45 «Табиат шифохонаси».
9.55 «Дилбарим».
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Омонлик тилаймиз».
10.35 «Минг ҳунар соҳиблари».
10.40 ТВ плюс театр».
11.00 «Глобус». Телеальманах.
11.20 «Мафтункор чеҳралар».
11.40 «Интерфутбол».
12.00 — 13.40 Видео — «О».
* * *
16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
17.50 «Даракчи».
18.00 Мультипанорама.
18.20 «Ҳайвонот дунёси».
18.40 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Жараён».
21.15 «Миллионлар ўйини».
21.45 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар».
22.00 Видео — «О».
23.35 «Келгуси ҳафтада».
23.50 — 24.00 «Даракчи».

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.45 «Минг бир қиёфалар». Фильм-спектакль (А. Райкин иштирок этган). 2-қисм.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.50 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсе?»
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўз

ТЎЙГА ТОЙ ЯСАТИБ КЕЛИШДИ

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ тумани Кавардон қишлоғидаги Алишер Навоий номли маҳалла аҳли ҳайрли ва савоб ишга қўл урди. Маҳалла оқсоқоллар йиғини раиси Ахрорхўжа Иброҳимхўжаев, Раҳмат Муқсимов ҳамда хотин-қизлар қўмитаси раисаси Клара Исматуллаевалларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шу маҳаллада яшовчи II-гуруҳ ногирони Рустам Динисломовнинг иккита фарзанди-Равшанбек ва Хуршиджонларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

Тўйхонани туман нон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Тўхтамурод Усмонов иссиқ ва бўрсилдоқ нонлар билан таъминлаб турди. Қишлоқнинг хушовоз хонанда, созандалари дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Оқовул қишлоқ фуқаролар йиғини ёрдами билан ҳар икки тўйбола номига омонат дафтарчаси очилиб, уларнинг ҳисобига 1000 сўмдан пул қўйилди. Туман «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раисаси Иззат Султонова уй эгаларига 5000 сўм ёрдам пули берди. Янгиободликлар эса тўйга той ясатиб келишди.

М.ЛАТИФЖОНОВ.

Ҳаммаларга, ота-онага, маслаҳат бера оладиган

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

— СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий газетаси — «Тошкент ҳақиқати» минг-минглаб ўқувчиларнинг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмакдоши ва таянчидир. У нафақат вилоятимиз ҳаётида, балки жонажон Ватанимиз ва хорижда юз бераётган муҳим янгиликлар билан ҳам газетхонларни мунтазам таништириб келади. Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги фидойиликлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг боришини тўлақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, маънавият масалаларини ёритиш ижодий жамоамизнинг асосий мақсадидир.

«Тошкент ҳақиқати» 1998 йилда ҳам «Маънавиятимиз сарчашмалари», «Дилдаги гаплар», «Турмуш чорраҳаларида», «Олам ҳафта ичида», «Табиат ва инсон», «Оқибат», «Суд залидан», «Аёл олами», «Спорт» сингари Сизга таниш ва манзур бўлаётган рукнлар остида қизиқарли мақолаларни эълон қилиб боради. Телекўрсатувлар дастури мунтазам чоп этилади. Реклама ва эълонларингизга кенг ўрин беради.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча почтаалоқа бўлимларида газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Пойтахтимизда ва вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисоблаганда:

Якка обуначилар учун:	Ташкилотлар учун:	Абонент қутилари бўлган ташкилотлар учун обуна баҳоси бундан ҳам арзонроқ:	Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
1 йилга — 1020 сўм	1 йилга — 1675 сўм 20 тийин	1 йилга — 804 сўм	Якка обуначилар учун — 205
6 ойга — 510 сўм	6 ойга — 837 сўм 60 тийин	6 ойга — 440 сўм	Ташкилотлар учун — 206
3 ойга — 255 сўм	3 ойга — 418 сўм 80 тийин	3 ойга — 201 сўм	

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

УСТОЗ. БУ сўзнинг замирида олам-олам маъно мужассам. Эндигина мактабга қадам босган болаларга ҳарф танитиш, уларни ҳаёт сир асрорларидан хабардор этиш, мурғак қалбларда она юртга меҳр-муҳаббат уйғотиш — муаллиманинг машаққатли меҳнати билангина рўёбга чиқади. Одоб-ахлоқ борасида эса устоз ҳамиша ўзи ибратдир. Тошкент туманидаги 11-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Фарида Усмонова 19 йилдирки ана шундай ҳайрли ишлари туфайли жамоа орасида обрў эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Суратда: Фарида Усмонова ўқувчилари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

УЯЛИ АЛОҚА «ҚИРОЛИ»

«ЎЗДУНРОБИТА» қўшма корхонаси ташкил бўлганига 6 йил, иқтисодий фаолиятни бошлаб юборганига 5 йил тўлгани муносабати билан мазкур телефон компанияси оммавий ахборот воситалари билан йиғилиш ўтказди.

— Рақобатсиз тинчгина яшаш мумкин. Аммо, ҳозирги кунда Ўзбекистон уяли алоқа тармоғи бозорида олтита турли хил компаниялар билан ҳамкорлик қилаётган экан, биз бу билан ҳисоблашишга мажбурмиз, — деди матбуот йиғилишида сўзга чиққан «Ўздунробита» қўшма корхонаси бошқаруви раиси Д. Б. Кристи, — беш йил ичида анча ишларни амалга оширдик. Мамлакат ҳудудининг 90 фоизида уяли алоқа тармоғини йўлга қўйдик. «Ўздунробита» абонентларининг сони 12 минг кишидан ошиб кетганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Замонавий рақамли технология ва жаҳонга машхур фирмаларнинг уяли тармоғи учун мўлжалланган энг янги дастгоҳларидан унумли фойдаланган ҳолда МДҲда ягона бўлган автоматик роуминг яратишга эришилди. У «Ўздунробита» абонентларига ўз уяли телефонлари билан компаниянинг уяли алоқа тармоғи чегарасида эркин ҳаракат қила олиш имконини яратади. Рақобат бозорида ким ўз мижозларини кўпроқ ўйлаб, имтиёзлар билан таъминлаб турсагина ютади. Айнан «Ўздунробита» олиб бораётган юмшоқ тарифли нархнаво бугунги кунда унга обрў келтирмоқда. Сўнгги пайтнинг ўзида радиотелефонларнинг нархи икки баробар арзонлаштирилганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Учрашувда «Ўздунробита» компанияси мутасаддилари журналистларнинг қатор саволларига жавоблар бердилар.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

БМТ «ТУҒИЛГАН КУН»

◆ ЖАҲОН миқёсидаги энг катта нуфузли маҳкама — Бирлашган Миллатлар Ташкилотини таъсис этишга иккинчи жаҳон уруши йилларида киришилган эди. Унинг Низоми 1945 йил 24 октябрда эълон қилинди. Ўшандан буён бу сана БМТ ташкил топган кун сифатида нишонлаб келинмоқда. Айни пайтда дунёнинг 180 мамлакати мазкур ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо этиб қабул қилинди. 1993 йил 24 октябрда эса Тошкентда БМТнинг доимий ваколатхонаси очилди. Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Ҳомийлик Кенгаши, Котибият ва Халқаро Суд БМТнинг асосий идоралари сирасига киради. Ўтган давр Ўзбекистоннинг БМТ фаолиятида фаол иштирок этаётганлигини кўрсатди. Жумладан, Президент Ислом Каримовнинг Афғонистонга қуроллар киритишга халқаро тўсиқ қўйиш, Марказий Осиёда ядровий қуролдан ҳоли минтақа яратиш борасидаги ташаббуслари жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

ИНҚИРОЗ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

◆ КЕЙИНГИ ҳафта Россия давлат арбоблари учун ўта ташвишли кечди. Бунга асосий сабаб давлат думаси депутатларининг В. Черномирдин ҳукуматига ишончсизлик билдириш нияти бўлди. Ўтган бешолти кун давомида Россия Президенти, ҳукумат бошлиғи, Давлат Думаси ҳамда Федерация Кенгаши ўртасида тиғиз мулоқотлар амалга оширилди. Президент Б. Ельцин, Бош вазир В. Черномирдин, давлат думаси бошлиғи Г. Селезнев ва Федерация Кенгаши Раиси Е. Строевлар учрашиб, бундан кейин барча муаммолар «думалоқ стол» атрофида ҳал қилинажаклигига келишганларидан сўнг вазият бирмунча юмшади. Президентнинг давлат думасидаги асосий фракциялар раҳбарлари билан мулоқотидан сўнг эса аҳвол режали изга тушди. Ҳамма енгил нафас олди. Чоршанба куни биринчи бўлиб коммунистлар ишончсизлик тўғрисидаги ўз таклифларидан воз кечганликларини билдирдилар. Шундай қилиб, яна бир «сиёсий ўйин» ниҳоясига етказилди.

УМУМИЙ АВФИЯ

◆ ОЗАРБАЙЖОН мустақиллигининг олти йиллиги арафасида президент Ҳ. Алиев умумий авфия эълон қилди. Унга биноан оғир жиноятларда айбланмаган ёшлар, қариялар, аёллар озодликка чиқариладиган бўлди. Таҳмин қилинишича, ҳибс жойларидан 70 мингдан зиёд одамларнинг қайтиб келиши кутилмоқда.

ПУЛИ-ҲУМРИДА КЕНГАШ

◆ КУНИ кеча «Толибон» ҳаракатига қарши курашаётган иттифоқ раҳбарларининг Пули-ҳумри шаҳрида катта кенгаши бўлиб ўтди. Унда Президент Бурҳониддин Раббоний «толибончи»ларга қарши курашаётган кучларнинг сўнгги пайтлардаги муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Мазкур кенгашда генерал Абдурашид Дўстум мамлакат шимолий ҳудудларининг раҳбари ҳамда президент ўринбосари этиб тайинланди.

ЛОТЕРЕЯДА... ПРЕЗИДЕНТ ЮТДИ

◆ КИПР Журналистлар Уюшмаси чиқарган лотереяларнинг ўйини бўлди. Унда энг катта ютуқ мамлакат президенти 78 яшар Глафкос Клиридисга насиб этди. У 48 минг доллар турадиган БМВ машинасини ютиб олди. Президент шу заҳотиёқ машинани журналистлар уюшмасига совға қилиб юборди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Солиқчилар фош этади

ДАРОМАДНИ ЯШИРСАНГ...

жаримани ҳам қўшиб тўлайсан

ЎША КУНИ бир йўла иккита кичик корхонада текширув ўтказилди. Қарангки, икковида ҳам даромадни яшириш одат тусига кириб қолган экан. «Зебо» кичик корхонасида 5332 сўм, «Валерий» кичик корхонасида эса 9289 сўм қўшимча солиқ ҳисобланди.

Шундан кейин шаҳардаги бошқа корхоналар ҳам бирма-бир ғалвирдан ўтказила бошланди. Солиқ инспекцияси ходимлари гуруҳларга бўлинишиб хусусий корхоналар қаторида давлат корхоналари фаолиятини синчковлик билан кўздан кечиришга киришдилар. Шунда энг катта камчиликлар «Олтин топган» корхонасида мавжудлиги аниқланди. Инспекторлар бу ерда бюджетга 376 минг 700 сўм қўшимча маблағ ҳисобладилар. Молиявий — хўжалик фаолияти устидан назоратни бўшаштириб юборган корхона раҳбари ва бош ҳисобчига нисбатан 1800 сўмдан жарима солинди.

«Зарина» хусусий кичик корхонасида ўтказилган текширув ҳам изсиз қолмади. Бу ерда 1996 йилда олинган даромадлар қайта ҳисобланганда уларнинг кўп қисми солиқ идорасидан яширилганлиги ошкор бўлиб қолди. Текширув ўтказган шаҳар солиқ инспекцияси махсус назорат тафтиш бўлими бошлиғи Б. Умаров ва бош инспектор У. Рабиев ҳар бир ҳужжатни кўздан кечирдилар, рақамларни қиёслаб кўрдилар. Ва ниҳоят яширилган даромадларни топиб, давлат бюджетига 134 минг 648 сўм қўшимча солиқ ҳисобладилар. Тўпланган материаллар шаҳар прокуратурасига юборилди ва жиноий иш қўзғатилди.

Шундан кейин текширув «Васила» хусусий кичик корхонасига кўчди. Б. Умаров ва У. Рабиевнинг ёнига яна бир бош инспектор ҳам қўшилди. Улар ҳар бир ҳужжатни синчковлик билан ўрганиб, бюджетга 167 минг 296 сўм қўшимча солиқ ҳисобладилар. Даромад яширилганлиги факти бўйича ҳужжатлар шаҳар прокуратурасига жўнатилди.

Худди шундай ҳолатларга солиқчилар «Муяссар» ва «Нептун» хусусий кичик корхоналарида ҳам дуч келдилар. Солиқчиларнинг хушёрлиги билан яширилган даромад ошкор бўлиб, давлат бюджетига салкам 200 минг сўм солиқ ҳисобланди. Ушбу ҳолатлар бўйича ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Олмалиқ шаҳар солиқчилари ўтган ойларда 20 та корхонада ҳужжатли текширувлар ўтказиб, молиявий хўжалик ишларидаги кўпгина камчиликларни очиб ташладилар. Айни пайтда якка тартибда меҳнат қилаётган фуқаролар фаолияти ҳам мунтазам назорат қилиб бориляпти. Ўтган ойларда бу соҳада қонидабузарликларга йўл қўйган 586 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди ва уларга нисбатан 857 минг 245 сўм жарима солинди.

Корхона ва ташкилотларнинг 302 нафар мансабдор шахслари эса турли хил қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун 826 минг 300 сўм жарима тўладилар. 17 та материал шаҳар прокуратураси, 104 та материал эса шаҳар судига юборилди.

Шунга қарамай, қоида бузарликлар ҳамон учраб турибди. Солиқчилар шаҳар деҳқон бозорини кўздан кечириб юрганларида акциз маркасиз спиртли ичимлик билан савдо қилаётган фуқаро З. Гумеровани қўлга туширдилар. Ҳужжатсиз ва рухсатсиз савдога қўйилган 21615 сўмлик спиртли ичимлик мусодара қилиниб, айбдорга нисбатан 1200 сўм жарима қўлланилди.

Фуқаро Р. Тоировга ҳам акциз маркасиз спиртли ичимлик билан савдо қилаётганлиги учун 2250 сўм жарима солинди. Сотишга қўйилган 140 шиша вино, 14 шиша ароқ мусодара қилинди.

Фуқаролар Б. Насимова ва Р. Турсунов сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган пайтда қўлга тушдилар. Қаерда ва қачон ишлаб чиқарилганлиги номаълум бўлган бундай маҳсулотлар инсон саломатлиги учун хавфли эканлигини бу «тадбиркор»лар унутиб қўйганга ўхшайди. Солиқчилар озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш қоидаларини тушунтириб, қилган айблари учун уларнинг ҳар бирига 1500 сўмдан жарима солганларидан кейин уларнинг ҳам кўзлари мошдек очилди. Истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган 117 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари мусодара қилинди.

Олмалиқлик солиқчилар ҳамма соҳада тартиб бўлиши устида қайғурмоқдалар. Улар бозорлар билан бирга савдо шахобчалари ишини ҳам мунтазам назорат қилиб бормоқдалар. Ўтказилаётган рейд ва текширувлар давомида савдо қоидаларига хилоф иш тутаётган сотувчиларнинг сирлари ошкор бўлмоқда.

Текширувлар пайтида «Олмалиқсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 40-дўкон сотувчиси А. П. Тюгаева харидор ҳақидан 90 сўм уриб қолган пайтида қўлга тушди. Шу қилиғи учун 15 минг сўм жарима солинди. Юлғич сотувчининг эси энди жойига тушиб қолса ажаб эмас.

«Олмалиқсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 18-дўкон сотувчиси С. Носирова ҳам харидорлар ҳақидан уриб қолишда устамон бўлиб кетганлигини солиқчилар кейинги текширувда аниқлашди. У бир харидорга хизмат қилиб 465,5 сўм уриб қолади. Буни бечора харидорнинг ўзи ҳам сезмайди. Солиқчилар қайта ҳисоб-китоб қилганларидан кейингина айёр сотувчи қайтимни эгасига беришга мажбур бўлди. Ўзи эса энди 37500 сўм жарима тўлайдиган бўлди. Текин тешик чиқади, деганлари шу бўлса керак-да.

Қоидали иш юритаётганларга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва тижорат учун кенг имкониятлар очилган ҳозирги замонда ҳалол меҳнат қилганлар барака топаяпти. Тўғри йўл қолиб, ўзини эгри йўлларга ураётган бесабр, баднафс кишилар эса ножўя қилмишлари учун эл-юрт олдида шарманда бўлмоқдалар.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

*СПОРТ * *СПОРТ * *СПОРТ * *СПОРТ *

Футбол

«ДЎСТЛИК» ВА «ПАХТАКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

«НАВБАҲОР»нинг бронза медалига бўлган даъвогарлигидаги имкониятини оширди

ОЛИЙ ТАБАҚА жамоаларининг навбатдаги тур учрашувларида олтин медалларга даъвогар ҳисобланган МҲСК ҳам, «Нефтчи» ҳам ғалабага эришдилар. Армиячилар ўз майдонларида «Трактор»ни 4:2, «Нефтчи» эса «Косонсой»ни 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу жамоалар ўртасидаги фарқ ҳамон тўрт очкони ташкил этиб турипти.

ВИЛОЯТИМИЗ вакиллари «Дўстлик» сафарда «Андижон» меҳмони бўлиб, 2:4 ҳисобида енгилди. «Пахтакор» ҳам сафарда ўйнаб, мағлубиятга учради. Тошкентликлар «Сурхон» жамоасидан 1:2 ҳисобида енгилишди. Тошкентда «Чилонзор»ни 2:0 ҳисобида мағлуб этган ўтган йилги мамлакат чемпиони «Навбаҳор» учинчи ўринга кўтарилди. Бугунгача «Навбаҳор» ва «Дўстлик» жамоалари ҳисобида 59 тадан очко бор. Бироқ наманганликлар вилоятимиз вакилларига қараганда битта кам ўйин ўтказишган. 29 учрашувдан сўнг «Пахтакор»да эса 53 очко бор.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Янгиер» — «Насаф» — 1:2, «Афросиёб» — «Зарафшон» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Атласчи» — 6:0, «Бухоро» — «Хоразм» — 1:0.

ОЛИЙ ТАБАҚА ОСТОНАСИДА

КЕЛАСИ мавсум кучлилар гуруҳида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмани қўлга киритган Кўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси ўз майдонида Қибрайнинг «Роҳат» футболчиларини қабул қилиб, 0:1 ҳисобида енгилишди.

БЕКОБОДНИНГ «Металлург» футболчилари эса «Шаҳрихон» клубини қабул қилиб 4:0 ҳисобида устун келдилар ва иккинчи йўлланмага даъвогарликларини янада мустаҳкамладилар. Учинчи ўринда бораётган «Истиқлол» футболчилари вилоятимиз вакилларидан тўрт очко орқадалар. Мавсум тугашига уч тур қолди. Агарда кейинги турларда «Металлург» бир ўйинда ғолиб келса ва «Истиқлол» ютқазгудек бўлса, вилоятимиз футболчилари барвақт йўлланмани қўлга киритадилар. Умуман, бу йилги биринчи табақа жамоалари баҳсида вилоятимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этишмоқда. Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари еттинчи, Қибрайнинг «Роҳат» жамоаси ўнинчи ва ўтган йили биринчи гуруҳга қўшилган Зангиотанинг «Лочин» жамоаси ўн биринчи ўринда бормоқда. Фақат биргина «Бўкалик» турнир жадвалининг пастки қисмида, ўн саккизинчи ўринни эгаллаб турипти. Бўкалик футболчилар сўнгги турда «Пахтаобод» футболчиларини қабул қилиб, йирик 10:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Тўпурарлар баҳсида эса «Лочин» ҳужумчиси Ғайрат Одилов 27 та тўп билан карвонбошилик қилмоқда.

Дзю-додан самбогача

ПАРИЖ ВА ТБИЛИСИДА БЕЛЛАШИШДИ

ҲАР ИККАЛА спорт тури бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

ВИЛОЯТИМИЗ вакили чирчиқлик Андрей Штурбабин 71 килограммгача вазнда қатнашиб, Парижда ниҳоясига етган жаҳон биринчилигида кучли ўнликдан жой олди. Бу ерда, шунингдек тошкентлик Владимир Шмаков ҳам муваффақиятли қатнашди.

Тбилиси шаҳрида ниҳоясига етган самбочилар жаҳон биринчилигида 29 жамоа қатнашчилари ўртасида Ўзбекистон полвонлари еттинчи ўринни олишди. Шахсий ҳисобда Фарҳод Хўжанов бронза медали совриндори бўлди.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабарига кўра 25-29 октябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг очиқ ва мўътадил келиши кутилади. Тоғли туманларда бироз ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 6—10, кундуз кунлари эса 22—27 даража атрофида иссиқ бўлади.

КУЗГИ ЧАҚИРУВ БОШЛАНДИ

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ тумани мудофаа бўлимида армия ёшига етган йигитларни ҳарбий хизматга чақириш олдидан тегишли ташкилот раҳбарлари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман мудофаа ишлари бўлими хизматчилари, туман ҳокимлиги, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси, туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокорлари, қўрғон ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар чақирув тадбирларини ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан келишиб олдилар.

Шундай қилиб туманда йигитларни Армия сафига кузатиш бўйича кузги чақирув бошланди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Яккасарой туманидаги «ЧЕВАР ҚИЗЛАР» кичик корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 55-78-30 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

УЙ СОТИЛАДИ

Ишчилар шаҳарчасида ШОШИЛИНЧ равишда 4 хонали уй сотилади. Т. 21-31-73.

Акмал Икромов туманидаги «АЗИЗ» кичик корхонаси **ТУГАТИЛДИ** Даъволар бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 56-10-79.

Чиноз туманидаги Циалковский номли 2-кечки ёшлар мактаби томонидан 1989 йилда Ихтиёр Жўраев номига берилган 779974 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0657. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.771 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00 1 2 3 4 5 6